

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

---

2017 йил 18 октябрь  
соат 11:00

АС-5

Тошкент шаҳри Абай  
кўчаси, 4а-уй

Чиқарилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
88 857 264 дона.

Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
87 219 170 дона.

Йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олинган овоз берувчи  
акцияларнинг умумий сони: 79 161 608 дона.

Йиғилишда қатнашганлар сони: Акциядорлар ва уларнинг номидан  
қатнашаётган вакиллар сони 6 киши.

Жумладан: ишончнома орқали қатнашаётган вакиллар сони - 3 киши ва  
ўз номидан қатнашаётган акциядорлар сони – 3 киши.

**КВОРУМ – 90,76%**

Шунингдек, банк Кенгаши аъзолари банк Бошқаруви Раиси Мирзаев  
Чори Садибақосович ҳамда банк Бошқаруви аъзолари, департамент  
директорлари иштирок этдилар.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига банк Кенгаши  
аъзоси **А.Э.Миралиев** раислик қилди.

**Йиғилиш котиби:** Ж.Б.Ботиров.

Умумий йиғилиш саноқ комиссияси раиси - «Туронбанк» АТБ Банк  
рисklarини бошқариш ва стратегик ривожлантириш департаменти директори  
Кадиров Абдулазиз Абдулхаевич, комиссия аъзолари - «Туронбанк» АТБ  
Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти директори ўринбосари  
Хўжақулов Абдинаби Хакимович, «Туронбанк» АТБ Ғазначилик ва  
қимматли қоғозлар департаменти, Банк активлари ва пассивлари  
бошқармаси бошлиғи Рустамов Дилшод Абдухалиповичлар йиғилишда  
қатнашаётган акциядорларнинг овозларини ҳисоблаш ва йиғилиш кворуми  
мавжудлигини аниқлаш бўйича иш олиб бордилар.

Йиғилиш раиси акциядорлардан банк Кенгаши томонидан тузилган  
саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаб беришларини  
сўради.

Йиғилишда саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркиби бир овоздан тасдиқланди.

**Умумий йиғилишга Раислик қилувчи А.Э.Миралиев** Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ҳамда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига амал қилиб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2017 йил 5 октябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби 2017 йил 7 октябрь куни «Биржа» газетасининг №116(2287)-сонида эълон қилинганлигини, қонунда белгиланган тартибда акциядорларга хабар қилинганлигини ҳамда барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

.....

Йиғилиш ҳайъатига банк Кенгаши аъзоси – Миралиев Алишер Эркинович, Хайтметов Рустам Махкамжонович ва банк Бошқаруви Раиси Мирзаев Чори Садибақосовичлар сайландилар.

#### **Кун тартиби:**

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича эълон қилинган:

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.
4. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Хитой экспорт-импорт банки билан йирик битим тузиш тўғрисида.
6. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан йирик битим тузиш тўғрисида.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли Қарори ижросидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасидаги маблағларни банкнинг тегишли ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида.

.....

**Саноқ комиссияси раиси А.А.Кадиров** «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишидаги овоз бериш натижаларини ҳисоблаш бўйича саноқ комиссиясининг 3-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди (3-илова).

Жумладан, овоз бериш натижалари ҳисобланганда қуйидагилар маълум бўлди:

Йиғилишда иштирок этган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 6 донa бюллетен бўйича жами овозлар сони 79 161 608 та. Овозга қўйилган масала юзасидан овозлар қуйидагича тақсимланган:

**Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 6 та бюллетен бўйича **79 161 608** та овоз, яъни **100%**;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 6 та бюллетен бўйича **79 161 608** та овоз, яъни **100%**;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг учинчи масаласи (Банк Кенгаши аъзолигига номзодларни қайта сайлаш) юзасидан овозлар номзодлар ўртасида қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:**

Фамилияси, исми, отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Овозлар сони
Каримов Абдухафиз Абдуганиевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари	84 529 404
Турмухамедов Алишер Улуғбекович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Юридик бошқармаси бошлиғи	82 000 000
Камалов Аюбхон Арибджанович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестиция бошқармаси бошлиғи ўринбосари	0
Бобоев Адиз Музафарович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари моддий техника базасини ривожлантириш жамғармасининг ижро этувчи дирекциясининг ижро этувчи директор ўринбосари	82 000 000

Қуйланов Зафаржон Мамараимович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси ижрочи директори	0
Ходжаев Саидкамол Саидкаримович	«Агробанк» АТБ Бошқарув Раиси	0
Шарипов Нажмиддин Шухратович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими	58 484 412
Юнусов Джахонгир Баходирович	Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Раиси ўринбосари	58 484 412
Миралиев Алишер Эркинович	Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори в.в.б.	58 484 412
Олимжонов Одил Олимович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва макро-иқтисодий тадқиқотлар илмий- тадқиқот институти «Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш лойиҳаси» Раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор	78 118 368
Маликов Фаттоҳ Халилович	«USUB» МЧЖ Бош директори	79 695 716
Махмудов Фозил Ходжаназарович	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ Бошқаруви Раиси ўринбосари	0
Ибраҳимджанова Зумрад Аманбаевна	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бошқарма бошлиғи	96 000 000
Хайтметов Рустам Маҳкамжонович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бош бухгалтер	96 980 966
Норгитов Мухитдин Джурабаевич	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмат раҳбари	96 000 000
Юсупов Олим Анварович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бошқарма бошлиғи	0

**Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 6 та бюллетен бўйича **79 161 608** та овоз, яъни **100%**;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 6 та бюллетен бўйича **79 161 608** та овоз, яъни **100%**;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг олтинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 6 та бюллетен бўйича **79 161 608** та овоз, яъни **100%**;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг еттинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 6 та бюллетен бўйича **79 161 608** та овоз, яъни **100%**;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Хулоса: Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган барча масалалар бўйича банк Кенгашининг таклифлари кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Йиғилиш Саноқ комиссияси мажлисининг мазкур баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилди.

Шу билан банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўз ишини тамомлади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган овозлар якуний ҳисобига кўра, очиқ акциядорлик тижорат Туронбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори қабул қилинди.

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
Қ А Р О Р И:**

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқлансин.

2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

3. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар банк Кенгаши аъзолари этиб қуйидагилар сайлансин:

- Каримов Абдухафиз Абдуганиевич - Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари;

- Турмухамедов Алишер Улуғбекович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Юридик бошқармаси бошлиғи;

- Бобоев Адиз Музафарович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари моддий техника базасини ривожлантириш жамғармасининг ижро этувчи дирекциясининг ижро этувчи директор ўринбосари;

- Шарипов Нажмиддин Шухратович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими;

- Юнусов Джахонгир Баходирович - Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Раиси ўринбосари;

- Миралиев Алишер Эркинович - Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори в.в.б.;

- Олимжонов Одил Олимович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва макро-иқтисодий тадқиқотлар илмий-тадқиқот институти «Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш лойиҳаси» Раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор;

- Маликов Фаттоҳ Халилович - «USUB» МЧЖ Бош директори;

- Ибрахимджанова Зумрад Аманбаевна - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бошқарма бошлиғи;

- Хайтметов Рустам Махкамжонович - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бош бухгалтер;

- Норгитов Мухитдин Джурабаевич – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмат раҳбари;

4. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Туронбанк» АТБга Хитой экспорт импорт банкидан 58,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиясини жалб қилиш билан боғлиқ йирик битим тузишга рухсат берилсин.

6. «Туронбанк» АТБ томонидан «Ўзбекгидроэнерго» АЖга 58,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағларини ажратиш билан боғлиқ йирик битим тузишга рухсат берилсин.

7. «Туронбанк» АТБ томонидан ўтган йиллар давомида олинган соф фойда ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобварағидagi 11 851 244 728,42 (ўн бир миллиард саккиз юз эллик бир миллион икки юз қирқ тўрт минг етти юз йигирма саккиз сўм қирқ икки тийин) сўм маблағни умумий заҳира фондига, жорий йилнинг биринчи ва иккинчи чорак якунлари натижасига кўра олинган банк фойдаси ҳисобидан имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобварағига ўтказилган 1 063 847 249,55 (бир миллиард олти миш уч миллион саккиз юз қирқ етти минг икки юз қирқ тўққиз сўм 55 тийин) сўм маблағни банк балансининг тўғри юритилиши учун 31206-ҳисобварағига ўтказилсин.

8. Мазкур қарорлар ижросини назорат қилиш «Туронбанк» АТБ Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби

Ж.Б.Ботиров

Умумий йиғилиш баёни имзоланган сана: «18» октябрь 2017 йил.